

AP

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

40  
(1150)  
3-oktabr

2014

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

## Е-СПОРТ: Жаҳон кубоги иштирокчилари орасида Ўзбекистон ҳам бор

Абдусапи Қаюмов шу йилнинг 29 октябридан 2 ноябригача Францияда бўлиб ўтадиган FIFA 15 ўйини бўйича ESWC Жаҳон кубоги финал босқичида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.



5-бет

УШБУ СОНДА:

### Сўнги янгилик!

Замонавий смартфон ва планшетлар функциядорлик бобида ҳеч бир компьютердан қолишмайди. Бироқ уларда клавиатура вазифасини сенсор экран бажариши айрим ҳолатларда ишлашда ноқулайликлар тугдиради.

Microsoft корпорацияси ишлаб чиқарган Universal Mobile Keyboard қурилмаси аynи масаланинг ечими бўлиб, исталган смартфон ёки планшетага, хоҳ у Windows ва Android, хоҳ iOS бўлсин, Bluetooth воситасида улашиб ишлатилиши мумкин. Планшет ёки смартфон ундаги махсус жойга ўрнатилади.



■ "LG CNS Uzbekistan" фаолият бошлайди	2
■ Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар	3
■ IP-ВИДЕО: уч қарра ўсиш	4
■ Итоги ИКТ Неделли InfoCOM 2014	6
■ Таъзим сизга, азиз устозлар!	12
■ Медаллар жамғаришда давом этяпмиз	15

## Jumadan Jumagacha

● Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов муқаддас Қурбон ҳайити арафасида пойтахтимизнинг кўҳна Минор мавзесида барпо қилинган муҳташам масжидга ташриф буюрди. Юртбошимиз муҳташам мажмуани ва унинг атрофида олиб борилган кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечирди. Муқаддас динимизга мувофиқ масжидда Қурбони каримдан тиловат қилинди. Ислоом Каримов масжиднинг ички ва ташқи кўриниши, баҳаво айвонлари, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар, бино куббасидаги олтин суви билан зийнатланган нақиларни кўздан кечириб, кўли гул усталарнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган қўрсаткичлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

● 30 сентябр куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Шунингдек, тантанали йиғилишда Ўзбекистон халқ таълими вазири раис томонидан аъёнанинг тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танловининг 2014 йилги ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

● "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси қондалари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари 2014 йилги сайлов жараёнини кенг ёритиб бориши зарур. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, "Жаҳон" ахборот агентлиги билан битимлар имзолади.

● Самарқанд шаҳрида 2 октябр куни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўз ишни бошлади. Ушбу халқаро форумда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Греция, Миср, Туркия, Исроил, Индонезия, Сингапур, Таиланд каби мамлакатлардан мутахассислар, халқаро туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этмоқда.

Юқори технологияли соҳаларни ривожлантиришни жаддаллаштириш, иқтисодийнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда дастурий таъминот воситаларини кенг жорий қилиш учун шароит яратиш, "электрон ҳукумат" ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари комплексини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2014 йилнинг 19 сентябр куни "Ахборот тизимлари ва дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш соҳасига чет эл инвестициясини жалб қилиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

# Янги қўшма корхона

## "LG CNS Uzbekistan" фаолият бошлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йили Жанубий Кореяга ташрифидан сўнг икки мамлакат ўртасида алоқа, ахборотлаштириш соҳасида мустақам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган эди. Хусусан, бугунги кунда юртимизда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий қилишда БМТнинг мамлакатларда "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш бўйича рейтингидан бир неча йиллардан буён пешқадам бўлиб келаётган Корея Республикаси давлатимизнинг яқин ҳамкори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига мувофиқ, "LG CNS Uzbekistan" қўшма корхонаси жорий йилнинг охирига қадар ўз фаолиятини бошлади.

Қўшма корхона қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, аппарат-дастурий комплексларининг ўрнатилиши ва жорий қилиниши, шунингдек, "Электрон ҳукумат" тизими доирасида ва иқтисодийнинг реал сектори учун лойиҳавий ва техник ҳужжатлар ишлаб чиқиши таъминлаш бўйича тизимли интегратор вазифасини бажариш;

- "Электрон ҳукумат" тизими ҳамда иқтисодийнинг реал сектори учун ахборот тизимлари комплекси ва дастурий маҳсулотларининг ишлаб чиқиши ва жорий қилинишини амалга ошириш доирасида халқаро талаблар асосида кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш;

- "LG CNS Co., Ltd." компанияси тажрибаси асосида халқаро талабларга мос дастурий маҳсулотлар ва лойиҳаларни тизимли интеграциялаш соҳасида экспорт салоҳиятини юксалтириш.

Маълумки, сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам юритишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларга қатор имтиёзлар берилмоқда. Қарорда "LG CNS

Электронное правительство Узбекистана

EGOV

Uzbekistan" қўшма корхонаси мазкур божхона ва солиқ тўловлари, Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизимини самарали жорий қилишга оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланиши кўзда тутилган.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури меъёрий-ҳуқуқий базани мустақамлаш, аҳолининг давлат ўқимияти органлари билан ўзаро муносабатини электрон шаклда амалга оширишни таъминлаш, давлат бошқаруви тизимида "Ягона ойна" тамойилини жорий этиш каби йирик лойиҳаларни ўз ичига олган. Бу лойиҳаларни амалга ошириш, ўз навбатида, миллий ахборот-коммуникация тизимининг асосини ташкил этувчи маҳаллий дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришни тақозо этади.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, "LG CNS Uzbekistan" корхонаси ҳамкорликда маҳаллий дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчиларни жалб қилган ҳолда мамлакатимизда эҳтиёж мавжуд дастурий маҳсу-

лотларни маҳаллийлаштириши белгиланган.

LG корпорацияси томонидан 1987 йили асос солинган LG CNS компанияси бугунга келиб ахборот технологиялари соҳасининг консалтинг, тизим ва тармоқ интеграцияси, бизнес жараёни ва ахборот технологиялари аутсорсинги, компютер инжиниринги ва бошқа қатор йўналишларда жаҳоннинг етакчи муассасаларидан бирига айланди. LG CNS айни вақтда Корея Республикасида ахборот технологиялари хизматларини қўрсатувчи энг йирик компания ҳисобланади. Компания Корея ҳукумати ва иқтисодиёти, аҳоли турмуш тарзи ва саноатини автоматлаштиришга оид тадбирларнинг аксариятини, хусусан, Корея миллий иқтисодиёт ахборот тизими, марказлашган миллий солиқ тизими, миллий патентлаштириш тизими, электрон паспорт ва фуқароларни рўйхатга олиш тизими, почта ва логистика тизими ҳамда бошқа аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширган.

Айтиш мумкинки, АКТ соҳасида жаҳоннинг етакчи муассасалари билан яқиндан ўрнатилган ҳамкорлик мамлакатимиз давлат бошқаруви, иқтисодиёт жабжалари, аҳоли турмуш тарзида ахборот-коммуникация технологияларини илгор тажрибалар асосида муваффақиятли жорий қилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, сифатли миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва устувор йўналишларини белгилашга хизмат қилади.

ccitt.uz

**Жорий йилнинг июн ойида Жанубий Корея Президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда ахборот технологиялари соҳасида Кореянинг етакчи – "LG CNS Co., Ltd." компанияси ўртасида "Электрон ҳукумат" тизими ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг реал сектори учун ахборот тизимлари, дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "LG CNS Uzbekistan" қўшма корхонасини ташкил қилиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланган эди.**

## Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан Корея интернет ва хавфсизлик агентлиги (KISA) ҳамда Бутунжаҳон банки билан ҳамкорликда "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар" мавзuida республика семинари ташкил этилди. Семинарда 120дан зиёд давлат органларининг алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари, масъул ходимлари, шунингдек, қўмита тизимидаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази, "UNICON.UZ" ДУК ва бошқа муассасалар мутахассислари иштирок этишди.

Семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад АКТ ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш йўналишидаги миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, компютер хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартавраф этишнинг замонавий усуллари, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро тажрибасини ўрганишдан иборат.

Тадбир юқори савияда ташкил этилишини таъминлаш учун семинарга таклиф қилинган Корея Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш

соҳасида фаолият олиб борувчи нуфузли идоралари мутахассислари томонидан "Корея Республикасининг киберхавфсизлик бўйича ҳаракат режаси", "Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизими", "Рақамли криминалистика: назария ва амалиёт" ва мавзуга оид бошқа долзарб йўналишларда маърузалар қилинди. Шунингдек, семинарда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази, "UNICON.UZ" ДУК, "UZINFOCOM" маркази мутахассислари "Ахборот хавфсизлиги марказини ташкил қилиш", "Ахборотлаштириш объектиларини аттестациядан ўтказиш",

"Миллий домен веб-сайтларининг ахборот хавфсизлиги билан таъминланганлик даражаси", "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қонунчилик", "Электрон ҳужжат алмашиш жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш" каби долзарб мавзуларда маърузалар қилинди.

Семинар доирасида Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази мутахассислари ҳамда Корея интернет ва хавфсизлик агентлиги академияси профессори Канджин ПАК ўртасида ўзаро тажриба алмашишга бағишланган учрашув ташкил этилди.

Семинар мобайнида юртимиз ҳамда Корея Республикаси мутахассислари давлат секторидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборотлаштириш объектиларини аттестациядан ўтказиш, компютер ҳодисаларига чора кўриш йўналишларида ҳамкорликнинг истиқболдаги вазифаларини белгилаб олдилар.

ccitt.uz



### Жиззах мактабларида Wi-Fi ўрнатилади

Жиззах вилоят ҳокими "Вилоятдаги халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қақида" қарор қабул қилди.

Қарорда вилоят халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмаслиги таъкидланган. Якунланган ўқув йили натижаларига асосан, информатика фанидан ўқувчиларнинг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи вилоятда ўртача 50,5 фоизни ташкил этган. Қарорда "Энг яхши электрон ахборот таълим ресурси" ва "Энг яхши веб-сайт" кўрик-танловларида қониқарсиз натижаларнинг сабабини ўрганиб чиқиш, дарс пайти электр энергияси таъминотидаги узиллишларнинг олдини олиш, информатика фанини чуқур ўргатишга ихтисослашган хоналар ташкил этиш, Фарғона вилоят халқ таълими тизими тажрибасини ўрганиш, лаёқатли мутахассисларни Корея Республикасига малака оширишга юбориш чораларини кўриш таъкидланган. Йил якунига қадар барча туманлар марказлари ва шаҳардаги иккита умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежларида намуна сифатида Wi-Fi алоқа тизими ўрнатилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VII боб, 30-модда.

## Бухоро: Қоровулбозорда "Uztelecom" савдо офиси

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали томонидан аҳоли ҳамда корхона-ташкilot ва муассасаларга кўрсатилаётган хизматлар сони ва сифатини ошириш, телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш, янги технологияларни соҳага кенг татбиқ этиш бўйича изчил иш олиб бориляпти. Ҳозир миқозларга маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро симли телефон алоқаси, шунингдек, телеграф ва бошқа қўшимча хизмат турларини кўрсатиш, ADSL технологияси бўйича кенг поласали интернет тармоғига улашиш, FTTx технологияси бўйича мултисервис хизматларини кўрсатиш, CDMA-450 стандарти бўйича абонентларни мобил тармоққа улаш, IPTV хизматларини сотиш сингари хизматлар йўлга қўйилган. Вилоят шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида миқозларга барча сервис хизматларини кўрсатувчи "UZTELECOM" савдо офислари фаолият бошлаганига икки йил тўлди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ушбу савдо шохобчалари Бухоро филиалига 4 миллиард 422 миллион сўмдан зиёд даромад келтирганини шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз. Вилоят бўйича 99337 нафар абонент симли телефон тармоғига, 15600 нафар миқоз интернетга улашиб, жуда кўплаб CDMA-450 стандартидаги



стационар ва мобил аппаратлари ҳамда IPTV хизматларини сотиш амалга оширилди. Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилди, албатта.

Яқинда вилоятнинг Қоровулбозор туманида ҳам "UZTELECOM" савдо офиси — универсал телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи шохобча иш бошлади. Туман телекоммуникациялар боғламаси биносидан фаолият кўрсатувчи янги офиснинг тантанали очилиш маросимида "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали директори Абдураҳмон Шобоев, ушбу филиал хизматларини сотиш, маркетинг ва тарифлар

бўлими мутахассиси Марҳабо Нигматова ва бошқалар сўзга чиқиб, бундай масканларнинг аҳоли ва корхоналар учун ниҳоятда қулай эканлигини таъкидладилар.

Чиндан ҳам, давр талаблари асосида барпо этилган замонавий офис шинам, қўрқам ва ёруғ бўлиб, бу ерда миқозларга шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматлари, овозли алоқа ва матнотлар узатиш хизматининг барча турлари, аудио-видео селектор хизмати, юқори тезликдаги интернет, CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа хизматлари савдосини амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд. Абонентлар, шунингдек, IP-телефония, IPTV интерактив телевидение хизматларидан ҳам фойдалансалар бўлади. Тегишли билим, тажриба ва маҳорат кўригидан муваффақиятли ўтган ходимлар — тижорат агенти Меҳринисо Рўзиева, оператор Шаҳноза Жамолова ва маркетинг хизмати муҳандиси Лутфия Азимовалар янги офисда ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Қоровулбозор туманининг 16400 нафар аҳолиси учун яратиб берилган ушбу имкониятдан барча мамнун.

Асқар ИСТАМОВ,  
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

## Xalqaro hayot



◆ АФГОНИСТОН ҳукумати 2014 йилдан сўнг мамлакатда қоладиган америкалик ҳарбийларнинг қисқартирилган таркибини тасдиқлаши маълум бўлди. Икки томонлама имзоладиган хавфсизлик борасидаги келишув мамлакат янги президенти Ашраф Ғанининг катта вазири, ёрдамчиси томонидан амалга оширилади. Маълумки, мазкур келишувни собиқ президент Ҳамид Карзай имзолашни рад этган эди.

Бу йил охирига қадар НАТО ҳарбийларнинг катта қисми Афғонистонни тарк этади ва мамлакатда 9 минг 800 нафар америкалик ҳарбий қолади. Улар афғон армиясига ёрдам кўрсатиш, ўқитиш миссиясини бажаради.

◆ ЯПОНИЯдаги Онтакэ вулқони отилиши оқибатида тўрт киши ҳалок бўлди ва 63 киши жабрланди. Ушбу пайтда 250га яқин саёҳатчи вулқон яқинида бўлишган.

◆ ШИМОЛИЙ КОРЕЯ иккита Корея давлатини конфедерация шаклида бир давлатга бирлаштириш таклифини илгари сурмоқда. Мазкур ташаббус Шимолий Корея ташқи ишлар вазири Ли Су Ёнинг БМТ Бош Ассамблеяси 69-сессияси доирасида бўлиб ўтган сиёсий муҳокамалар давомидаги чиқишида маълум қилинган. Шундан сўнг уни БМТ Бош котиби Пан Ги Мун қабул қилган.

Пан Ги Мун Шимолий Корея ташқи ишлар вазирининг мазкур чиқишини келгусида Шимолий Корея ва халқаро ҳамжамият ўртасида мавжуд келишмовчиликларни ўзаро мулоқот орқали ҳал этиш ва Кореяни аста-секинлик билан ядросиз яриморолга айлантиришда катта умид эканлигини таъкидлаб ўтган.

◆ ИРОҚ ҳарбийлари пойтахт Боғдод шимоли-шарқидagi Дияла провинциясининг 16та аҳоли маскани устидан назоратни қайтаришга муваффақ бўлди. Мамлакат мудофаа вазири-лиги баёнотида айтилишича, юздан ортиқ жангарилар йўқ қилинган, шунингдек, 50га яқин қўлбола портловчи қурималар хавфсизлан-тирилган.

◆ КАЛИФОРНИЯ штати собиқ губернатори ва машҳур актёр Арнолд Шварценеггер Мадрид шаҳри обрўсига кўшган ҳиссаси учун шаҳар ҳукумати медали билан тақдирланди ва Испания пойтахти элчиси этиб тайинланди.

Голливуд актёри Arnold Classic Europe — бодибилдинг мусобақасининг тўрт мартаба Мадридда бўлиб ўтишига катта ҳисса кўшган. Актёр 1982 йили Мадридда суратга тушган филм воқеаларини эсга олди.

◆ ИСРОИЛ Бош вазири Беньямин Нетаньяху Эроннинг ядровий салоҳиятини бутунлай йўқ қилиш зарурлигини, чунки бу тинчлик учун жиддий хавф эканлигини маълум қилди. Шунингдек, у халқаро ҳамжамиятни Эронга қарши санкцияларни олиб ташлашга мажбур қилди. Нетаньяхунинг сўзларига кўра, бундай тўсиқларнинг олиб ташланиши Техроннинг ядро куралини яратишига имкон беради.


Маълумки, Эрон ҳамда БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари ва Германиядан иборат "олтилик" ўртасида Техрон ядро дастури юзасидан музокаралар давом этмоқда. Эрон Ислом Республикаси президенти Ҳасан Рўхоний музокараларнинг охирига босқичда эришилган натижани "жуذا сует" деб баҳолаган. АҚШ давлат котиби Жон Керри эса якуний келишувга ноябр ойи охирида эришиш мумкинлигини айтиб ўтган.

◆ FORBES журнали АҚШнинг 400 нафар энг бадавлат тадбиркорлари рейтингини чоп этди. Рейтингнинг энг юқори поғонасида яна Microsoft компанияси асосчиси Билл Гейтс қайд этилди. Унинг бойлиги 81,2 млрд. АҚШ долларига баҳоланди.

# IP-ВИДЕО: уч карра ўсиш

Кейинги беш йилда глобал IP-трафик ҳажми уч бараварга ошади, бу ҳақда Cisco компанияси ҳисоботида хабар берилди. Албатта, интернетдан фойдаланувчилар сони ошиши ҳамда кенг полсаланиши имкониятлари кенгайиши бу жараёнда бирламчи омиллар ҳисобланади.

Бироқ, компания мутахассислари томонидан таъкидланишича, яна бир тенденция шаклланиптики, келгусида глобал IP-трафик динамикаси қай тахлит кечиши бевосита шунга боғлиқ. Бу видео-иловалардан кенг фойдаланиш бўлиб, онлайн-видео оқимлари, воқеаларни реал вақт тартибда трансляция қилиш, талаб бўйича видео (VoD), шунингдек, видео-лоқанинг турли қуринишларини ўз ичига олади.



Демак, 2018 йили IP-видео ҳажми ойига 2,5 трлн. дақиқача етиши мумкин. Бу ойига тахминан 5 миллион йилга етулик видео тўпланади дегани. Ушайили жами трафикнинг 79 фоизини айнан IP-видео ташкил этиши кутиляпти, ҳозир, эслатиб ўтамиз, бу кўрсаткич 66 фоизга тенг. Эътибор беринг-а, стандарт видео (SD)га қараганда, HD форматдаги умумий трафикда каттароқ улушга эга бўлади.

IP-трафик ўсиши энг юқори минтақалар — Яқин Шарқ ва

Африка (2013-2018 йилларда ўсиш — 38 фоиз), иккинчи ўринда — Осиё-Тинч океани минтақаси. Яқин Шарқ аҳолиси асосан YouTube хизматидан фойдаланади, бу ерда онлайн видео томошаси кунига 14,5 млн. соатдан ошади.

Илғор видеотехнологиялар, айниқса, қишлоқларда яшовчиларга қўл келяпти, улар масофадан туриб, ўзларига энг зарур хизматлар, жумладан, тиббий сервисларга мурожаат қилишга ётир.

## ҚИСҚА САТРАЛАРДА

● Ультраюпқа ноутбуклар учун Silicon Power S80 қаттиқ диски чиқарилди. Бу хотира қурилмаси маълумот ўтказишда юқори суръатга эга бўлиб, 960 гигабайтгача маълумотни сиғдиради. Шунингдек, компания SP S80 қаттиқ дискини 32, 60, 120, 240, 480 гигабайтли сизимларда таклиф этяпти.

● LG L туркумидаги иккита арзон смартфон (L Fino ҳамда L Bello) тақдироти ўтказилди.

L Fino тўрт ядролу 1,2 ГГц частотали процессорга ва 4,5-дюймди дисплей (800x480)га эга бўлса, L Belloning тўрт ядролу процессори частотаси 1,3 ГГцни ташкил этади, экран диагонали — 5 дюйм (854x480).



LG L Bello

LG L Fino

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

## REYTING\*

Apple савдо белгиси, ўн бир йилдирки, компьютер сотиб олувчи mijozлар талабини қондириш бўйича рейтинг (ACS)ни бошқариб келяпти. Сўнгги пайтларда Lenovo ва Samsung компьютерлари ҳам mijozлар ишончини кўпроқ қозоняпти.

Савдо белгиси 2013 йил (%) 2014 йил (%) Ҳзгариш (%)

Apple	87	84	-4
Dell	79	76	-4
Acer	77	76	-1
Toshiba	78	75	-4
HP	80	74	-8
Бошқалар (Lenovo, Samsung ва ҳ.к.)	76	82	+7
Шахсий компьютерлар (ўртача ҳисоблаганда)	79	78	-1,3

Катта футболда бўлгани каби, ушбу мусобақада ҳам дунёнинг энг кучли 32 жамоаси иштирок этади. Ўзбекистоннинг улар қаторидан жой олиши улкан ютуқ, chunki дунёда 200дан ортиқ мамлакат бор, шулардан саноклиларигина виртуал мундиалда қатнашади. Бироқ е-спортчиларимиз "муҳими иштирок" деб эмас, совринли ўринлар учун курашишга бел боғлашган. Осиё миқёсида ўтказилган баҳсларда қўлга киритган медалларимиз, Жаҳон чемпионатларидаги юқори ўринлар Ўзбекистоннинг е-спорт бўйича етакчилар қаторида саналишига замин яратди. Абдусали Қаюмов ўтган йилги Жаҳон кубогида чорак финалгача бориб, яқинда 5-ўринни қайд этганини алоҳида эътироф этиш лозим. Ундан бир йил аввал Павел Саприкин Осиё ўйинларининг голиби бўлганди. Ушбу юқори натижалар Ўзбекистонга ESWC Жаҳон кубогида тўғридан-тўғри иштирок этиш ҳуқуқини берди.

## ESWC UZBEKISTAN 2014 САРАЛАШ БОСҚИЧИ

Мамлакатнинг энг кучли е-спортчисини аниқлаб олиш учун Zo'r-Zo'r UCG 2014 Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Турнир Ўзбекистоннинг барча ҳудудларини қамраб олди ва унинг ҳудудий босқичларида юртимизнинг турли бурчакларидан 400 нафардан ортиқ виртуал футболчилар қатнашди. Ҳудудий босқичлар голиблари Миллий финалда ўзаро баҳс юритдилар:

- Бобуршоҳ Насуллоев (Бухоро ҳудудий саралаш турнири голиби)
- Дилшод Абдурахмонов (Самарқанд ҳудудий саралаш турнири голиби)
- Аббор Рустамов (Фарғона ҳудудий саралаш турнири голиби)
- Абдусали Қаюмов ("Альянс Арена" лигаси суперфиналининг голиби)
- Сирожиддин Камолов ("Альянс Арена" лигаси суперфиналининг кумуш медали совриндори)
- Олим Исмоилов (Тошкент ҳудудий саралаш турнири голиби)
- Павел Саприкин (Тошкент ҳудудий саралаш турнири кумуш медал совриндори)
- Уктам Иброҳимов (Тошкент ҳудудий саралаш турнири бронза медал совриндори)

26 сентябр куни ICTExpo ахборот технологиялари кўргазмаси саҳнасида Миллий финал ўйинлари бўлиб ўтди. Чорак финал баҳсларида етакчилар катта қийинчиликсиз ярим финалга йўл олишди. Ярим финалнинг биринчи жуфтлигида Абдусали Қаюмов яна ўз маҳоратини кўрсатган бўлса, иккинчи баҳсада Осиё чемпиони Павел Саприкин ва Тошкент ҳудудий саралаш турнирининг голиби Олим Исмоилов ўртасидаги баҳс ниҳоятда кескин кураш остида ўтди. Мусобақа қоидаларига кўра, ҳар бир баҳс икки ўйиндан иборат бўлади ва голиблик якуний ҳисобга қараб аниқланади. Олим Исмоилов дастлабки ўйинда Павел Саприкинни 2:1 ҳисобида енгишга муваффақ бўлди. Иккинчи ўйиннинг сўнгги дақиқаларида гол киритишга муваффақ бўлган Павел якуний ҳисоб 2:2 бўлишини таъминлади. Қўшимча ўйин белгиланди. Вазият пеналтилар сериясигача бориши тахмин қилинаётган бир вақтда Олим гол киритишга муваффақ бўлди. Ўйин яқунга яқинлашиб қолгани туфайли Осиё чемпиони вазиятни ўнглашга имкон топа олмади.

3-ўрин учун баҳса Павел Саприкин галаба қозониб, бронза медал соҳибига айланди.

Турнир кашфиёти Олим Исмоилов эса финалда номдор рақиб — Абдусали Қаюмов билан баҳс олиб борди. Биринчи ўйин 4-2 ҳисобида Абдусали фойдасига ҳал бўлди. Иккинчи ўйинда эса 2:1 ҳисоби — Олим фойдасига. Якуний натижа — 5:4 ҳисобидаги галаба билан Абдусали иккинчи бор Ўзбекистон чемпиони деган шарафга муяссар бўлди.

Миллий финал натижалари онлайн равишда интернетга киритиб борилди ва бу ESWC Жаҳон кубоги ташкилотчилари учун ҳисобот вазифасини ўтади.

## ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ

27 сентябр куни Zo'r-Zo'r UCG 2014 Ўзбекистон чемпионати голиб ва совриндорларини

# E-SPORT:

## Жаҳон кубоги иштирокчилари орасида Ўзбекистон ҳам бор



тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Чемпионат доирасида FIFA14 ўйини баҳсларидан ташқари, Dota All Stars жамоавий ўйини бўйича ҳам мусобақалар бўлиб ўтди. Унда 100дан ортиқ жамоалар иштирок этди.

Яқунда 1-ўриндан VVV жамоаси (таркиби: Бобур Нахимбеков, Сардор Олимов, Рустам Мирзабобоев, Темур Қодиров, Қайрат Файзиев) жой олди.

2-ўринни Issur (таркиби: Шоҳруҳ Комилов, Вугар Байрамов, Темур Қўчқоров, Шоҳжаҳон Сагатхўжаев, Шерали Болтаҳўжаев), 3-ўринни GGFly (таркиби: Дониёр Алижонов, Бобур Иброҳимов, Темур Бекназаров, Абдували Шамсидинов, Амал Худойбердиев) жамоалари қўлга киритдилар.

Голиб ва совриндорларни турнирнинг бош ҳомийси — Beeline компанияси бош директори Александр Воробёв табриклади ва уларга медаллар, дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

FIFA14 турнири голиб ва совриндорлари — Павел Саприкин, Олим Исмоилов ва Абдусали Қаюмовларни дунёнинг машҳур ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов табриклаб, совринларни ўз эгаларига топширди. Жумладан, Абдусали Қаюмовга Францияда бўлиб ўтадиган Жаҳон кубогида иштирок этиши учун рамзий йўлланмани тақдим этаркан, виртуал футболчимизга Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб желишини тилади.

— Ўтган йилги Жаҳон чемпионатида чорак финалга қадар етиб боргандим. Бу йилги мусобақада чемпионлиқни мақсад қилганман, — дея таъкидлаб ўтди ўз навбатида Абдусали Қаюмов.

## ESWC ЖАҲОН КУБОГИ

Electronic Sports World Cup (ESWC, Бутунжаҳон киберспорт кубоги) — 2003 йилдан бери мунтазам ўтказиб келинади. Кубок доирасида бир неча компютер спорти бўйича баҳслар ташкил этилади. Бизнинг вақимиз FIFA15 футбол симулятори баҳсларида қатнашади. Мусобақа катта футболдаги Жаҳон чемпионати тартибидан — 32 мамлакат вакили ўртасида ўтказилади.

— Бу йил ҳам Жаҳон чемпионатида юқори натижаларни қўлаб турибмиз, — дейди Uzbekistan Cyber Games ташкилий қўмитаси раҳбари Александр Сучков. — Тасаввур қилинг: Ўзбекистон чемпионати мусобақасида нафақат мамлакатимиз, балки сайёрамизда номдор саналган виртуал футболчилар — Осиё чемпиони Павел Саприкин ва ўтган йилги жаҳон биринчилиги натижаларига кўра, биринчи бешгалликка кирган Абдусали Қаюмовлар иштирок этишди. Шулар орасида ёш геймерлар ҳам ўзларини йўқотиб қўйишгани йўқ. Ўн йилдан бери мунтазам ўтказиб келинаётган ички чемпионат юртимизда шундай кучли мусобақа шаклланишига, жаҳонда ўз ўрнига эга е-спортчилар этишиб чиқишига замин яратди. Бунинг учун расмий қўллаб-қувватлаб келаётган Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига ҳамда ҳомийларга ўз миннатдорлигини билдираман.

29 октябрдан 2 ноябргача Париж шаҳри мезбонлик қиладиган Жаҳон Кубогида ҳамюртимиз муносиб иштирок этиб қайтишига ишончимиз комил. Зеро, юртимизда компютер спорти ривожига кенг имконият яратилаётгани ўз мевасини бермасдан қолмайди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

# Итоги ИКТ Недели InfoCOM 2014

26 сентября прошла церемония закрытия Недели информационно-коммуникационных технологий InfoCOM 2014, на которой были вручены призы спонсоров и партнеров Недели ИКТ 2014, государственных органов и номинантов выставки ICTExpo 2014.

В церемонии награждения принимал участие Хуршид Мирзахидов, председатель Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан.

Спонсорам и партнерам Недели были вручены дипломы и призы:

АК "Узбектелеком" — генеральный спонсор Недели ИКТ 2014.

АК "Узбектелеком" — технический спонсор Недели ИКТ 2014.

Страховая компания Alskom — спонсор Недели ИКТ 2014.

Компания UzDigital TV — спонсор Недели ИКТ 2014.

Национальная телерадиокомпания Узбекистана — информационный спонсор Недели ИКТ 2014.

Телеканал UzReport TV — информационный спонсор Недели ИКТ 2014.

Компания Softline — генеральный спонсор Саммита по информационно-коммуникационным технологиям 2014.

Компания SAP — спонсор Саммита по информационно-коммуникационным технологиям 2014.

Компания Softline — спонсор Форума — выставки и программных продуктов "BestSoft Uzbekistan-2014".

Компания Nestle — спонсор перерывов ИКТ Саммита 2014 и Выставки ICTExpo 2014.

Директор Центра развития системы "Электронное правительство" Госкомсвязи Шерзод Хабибуллаев вручил призы и дипломы в номина-

ции "За высокие достижения во внедрении и развитии ИКТ в органах государственного и хозяйственного управления":

1-е место — Центральный банк Республики Узбекистан.

2-е место — Министерство финансов Республики Узбекистан.

3-место — Холдинг компания "Узвинпром-холдинг".

В номинации "За высокие достижения во внедрении и развитии ИКТ в органах государственной власти на местах":

1-е место — хокимият города Ташкента.

2-е место — хокимият Бухарской области.

3-место — хокимият Ташкентской области.

Олимжон Умаров, начальник управления информационно-коммуникационных технологий Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Узбекистана вручал призы участникам выставки ICTExpo 2014.

Номинации выставки ICTExpo 2014 г. Ташкент:

"За лучший дизайн стенда" — ООО "Unitel" (TM Beeline).



"За самый инновационный стенд" — LG CNS.

"За лучшее техническое оснащение стенда" — АК "Узбектелеком".

"За лучшее информационное обеспечение стенда" — ООО "CLICK".

"Самый посещаемый стенд" — ООО "Coscom" ИП (TM Ucell).

"Выбор молодежи" — Inform Service TV.

"За лучшую рекламную кампанию" — Sarkor Telecom.

"За лучшую работу персонала стенда" — "TELESET ALFA" СП.

"Приз симпатий посетителей" — ООО "East Telecom".

"За важный финансовый вклад в развитие информационной сферы" — АТ "Алоқабанк".

Номинации выставки ICTExpo 2014 г. Гулистан:

"За лучшее информационное обеспечение стенда" — ГУП "Центр компьютеризации" при Сирдарь-



инской облхокимията.

"Самый посещаемый стенд" — Гулистанский отдел Ucell.

"За лучший дизайн стенда" — Сирдарьинский филиал АК "Узбектелеком".

"За лучшую работу персонала стенда" — ИБЦ Сирдарьинской области.

Номинации выставки ICTExpo 2014 г. Ургенч:

"За лучшее информационное обеспечение стенда" — ООО "ST. TELECOMENERGY".

"Самый посещаемый стенд" — Хорезмский региональное отделение Ucell.

"За лучший дизайн стенда" — Хорезмский филиал АК "Узбектелеком".

"За лучшую работу персонала стенда" — ИБЦ Хорезмской области.



## Эксперт KISDI

содействует в стандартизации административных кодов для э-правительства

В рамках недели ИКТ в ГУП "UNICON.UZ" состоялась встреча с представителем Южнокорейского института информационного стратегического планирования (The Korea Information Strategy Development Institute (KISDI).

В ходе визита Жонг Ёнг Хун познакомился с деятельностью UNICON.UZ, в частности Базовой организации стандартизации, сообщает информационная служба компании.

В свою очередь, познакомившись с вопросами стандартизации, консультант-эксперт KISDI предоставит кон-

сультативную помощь в осуществлении стандартизации административных кодов, впоследствии применяемых в системе электронного правительства.

Реализация стандартизации административных кодов послужит важной составляющей, которая позволит создать современную высокотехнологичную инфраструктуру информационно-коммуникационных и телекоммуникационных технологий для обеспечения необходимого уровня качества оказываемых услуг и создания благоприятных условий для развития интерактивных услуг всем сегментам потребителей.

## Универсиада "ICT-STUDENT"

25 сентября на главной сцене выставки ICTExpo 2014 прошла Универсиада по компьютерному спорту "ICT-STUDENT", которая включала в себя три командных конкурса:

- сборка персонального компьютера на время;
- монтаж проводной локальной вычислительной сети на время;
- представления веб-проекта по созданию сайта "Электронное правительство".

Всего в соревнованиях участвовало 8 команд.

Первое место по итогам всех трех конкурсов завоевала команда Ташкентского профессионального колледжа информационных технологий (ТПКИТ), а команда Мирзо-Улугбекского профессионального колледжа информатики (МУПИ) Ташкента заняла второе место.

Команда Ангреновского профессионального колледжа промышленности и информационных технологий заняла третье место.

Директор департамента АК "Узбектелеком" Алишер Зуфаров вручил победителям призы.

За первое место все участники команды ТПКИТ получили шесть ноутбуков Acer Aspire V5, за второе место шесть планшетов Samsung Galaxy Tab3 и за третье место 6 внешних жестких дисков объемом 1 ТБ.









ОҞЕВИҚОТ

- 7.06 Ўзбекистон телерадиоканали.
- 5.35 Кўрсаткич дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 7.00 "Табият китоби".
- 7.20 "Йилдам".
- 7.25 Миллий сериал: "Вақт қадри".
- 8.00 "Абулор".
- 8.40 "Ёр сайёраси", Х/ф.
- 9.30 "Ягона оила".
- 9.45 "Навоий олами".
- 10.00 "Тонтиг палета", Т/с.
- 10.45 "Қўчоғоч Шоғ", М/с.
- 11.00 "Абулор".
- 11.10 Миллий сериал: "Ота-синглилар".
- 11.55 "Йилдам".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 12.00 "Отаб сар".
- 13.45 "Сў-сўда музаикалари", Х/ф.
- 14.00 "Абулор".
- 14.15 "Музаикалар макони".
- 14.40 Миллий сериал: "Аммоқоним-аммоқоним".
- 15.10 "Қасд", Х/ф.
- 15.35 "Ойдин эри", Ток-шоу.
- 16.20 "Янгилашганинг юрғ".
- 16.35 "Тағ", Б/ф.
- 17.00 "Абулор".
- 17.10 "Сен сени эмассан".
- 17.25 "Қўчоғач Нордубаёғов мейрагани".
- 17.40 "Бир жаннат изиди".
- 18.00 "Қўчиги қўшиқ истайди".
- 18.10 "Йилдам".
- 18.15 "Қаммас ҳаёт ҳақида".
- 18.40 "Қажоғ Доронг", Т/с.
- 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
- 19.30 "Абулор" /рус/.
- 20.05 Миллий сериал: "Ота-синглилар".
- 1.00 "Абулор" /рус/.
- 1.30 Миллий сериал "Аммоқоним-аммоқоним".
- 2.00 "Янгилашганинг юрғ".
- 2.15 Телс Театр: "Қулбоблар", 3-қисм.
- 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 4.00 "Абулор".
- 4.40 Миллий сериал: "Вақт қадри".
- 5.15 "Музаикалар макони".
- 5.40 - 5.55 "Навоий олами".

1.40 "Зар ёмиғ", 1-қисм.

- 1.40 "Музаикалар дунё".
- 3.00 "Йилдин оҳанглар".
- 3.10 "Вагинларвар".
- 3.50 "Ягонаман, муқаддас Ватан".
- 4.30 "Сўу ёшларга".
- 5.00 "Дилла яқин қўшиқлар".
- 5.30-6.00 "Длар".

ОҞЕВИҚОТ

- 5.55 "Ягонаман, муқаддас Ватаним".
- 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00 "Роғула".
- 6.25 Миллий сериал: "Жайда туғил", 1-қисм.
- 7.00 "Тошкент вақти".
- 7.50 "Соз сеҳри".
- 8.55 "Вагинлар дларвар".
- 8.25 Тошкент тароналари.
- 8.35 "Пойтахт-қулығар".
- 8.45 "Кўчоғи дораскара".
- 9.05 "Эллик", Т/с, 23-қисм.
- 9.50 "Роғула спорт".
- 10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт" /рус тилида/.
- 10.20 "Зағулласка", Б/ф /рус тилида/.
- 11.15 "Саргуштарин ороғи".
- 12.00 "Побела капитана Кука", Х/ф /рус тилида/.

- 13.00 "Тошкент вақти".
- 13.50 "Пойтахт-интиғаво".
- 14.10 "Вео о турниме".
- 14.40 "Эртанги эгалари".
- 15.00 "Роғула-biznes".
- 15.10 "Уғай оғи", Т/с, 46-қисм.
- 16.10 Миллий кинго: "Осмоғилли болалар".

SPORT

- 17.00 "Шаҳрим".
- 18.25 "Ўзбекиғи рақислар".
- 18.35 "Роғула-героғи".
- 18.45 "Эллик", Т/с, /Премера/, 24-қисм.
- 19.30 Тошкент тароналари.
- 19.40 "Теле-маркет".
- 19.50 "Бизнинг дларвар".
- 19.55 "Навоий маҳсуғи".
- 20.00 "Роғула неғи".
- 20.30 "Уғай оғи", Т/с, /Премера/, 47-қисм.
- 21.15 "Холте назар".
- 21.35 "Пойтахт-эко".
- 21.45 "Теле-маркет".
- 21.45 "Пойтахт-шадлар".
- 22.20 "Қавқазска планетиш", Б/ф /рус тилида/.
- 23.35 "Профессионал".
- 00.05 "Дубоғиним" тележурнали.
- 00.30 "Вео о турниме".
- 1.00 "Пойтахт-эко".
- 1.10 "Снежной короғи", Х/ф /рус тилида/.
- 2.20 "Тоғша ҳам дларғит усалғ", Б/ф, 2-қисм.
- 3.35 "Ани на таркиқарғи".
- 4.00 "Тошкент вақти".
- 4.50 "Саломат бунинг" тележурнали.
- 5.20 Жезаз вилонт телерадиомкомпани неғийил этили: "Қадрият".
- 5.40 "Холте назар".

SPORT

- 6.00 "Хайрат тонг".
- 6.05 Кўрсаткич дастури.
- 6.10 "Итиғорқимин, спорт".
- 6.25 АНОНС.
- 6.30 Тонтиг гимнастика.
- 6.40 "Менинг гағулығи".
- 7.00 "SPORT-EXPRESS".
- 8.00 ХАБАРЛАР.
- 8.10 АНОНС.
- 8.15 ФУТЗАЛ АССОЦИАЦИЯ КЪБИҒИ. ФИНАЛ.
- 9.35 АНОНС.
- 9.40 "Тоғоо -спорт".
- 9.50 АНОНС.
- 10.00 Теннис. "Тошкент челленғери". Халқаро турнир. Турғидан - турғи олиб кўрсатилди.
- 11.40 "ХАБАРЛАР NEWS".
- 11.10 Теннис. "Тошкент челленғери". Халқаро турнир. Турғидан - турғи олиб кўрсатилди.
- 12.55 Рақислар, итпоқлар, ретитлар.

- 13.00 ХАБАРЛАР.
- 13.15 Теннис. "Тошкент челленғери". Халқаро турнир. Турғидан - турғи олиб кўрсатилди.
- 15.00 АНОНС.
- 15.05 "Боғлар спорғи".
- 15.30 RING.
- 16.15 ИНТЕРФУТБОЛ.
- 17.35 Кўрсаткич дастури.

SPORT

- 18.00 "Спорт сайёраси".
- 18.15 "Тенно-спорт".
- 18.25 АНОНС.
- 18.30 ХАБАРЛАР.
- 18.30 АНОНС.
- 18.55 "Жойб".
- 19.15 Волейбол. Жағри чемпиғонлиғи.
- 20.35 "SPORT MARKET".
- 20.40 "Ертанги".
- 21.25 "SPORT rekordlar".
- 21.30 ХАБАРЛАР.
- 21.30 АНОНС.
- 21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
- 22.35 АНОНС.
- 23.40 "Боғе тарихи". Хужағилли филм.
- 00.00 АНОНС.
- 00.05 Велоспорт.
- 0.15 АНОНС.
- 1.10 ХАБАРЛАР.
- 1.30 АНОНС.
- 1.35 - 5.50 Теннис. "Тошкент челленғери". Халқаро турнир.

1

- 04.00 Телеканал "Дубро уро".
- 07.00 08.00 11.00 14.00 02.00 Ноноти
- 07.45 "Пуғт гоғорғи".
- 08.10 Контролланг закулка.
- 08.35 "Жилг зарорас".
- 09.25 Миллий триғорғи.
- 10.30 Фендза.
- 11.15 Сериал "Дом с липиниғи".
- 13.10 Сылқ.
- 13.40 "Вреға покажиг".
- 14.15 "Вреға покажиг". Продолжение.
- 15.15 "Мужское/Женское".
- 16.05 "Нагдие со несми".
- 17.00 Черенде.
- 18.00 "Двағи покжениси".
- 19.00 "Пуғт гоғорғи".
- 20.00 "Вреға".
- 20.45 Сериал "Дом с липиниғи".
- 22.35 "Вечерний Урганг".
- 23.10 Ноябрь.
- 23.15 "Политика".
- 00.25 Сериал "Ғай Донған".
- 01.20, 02.05 Х/ф "Уқильяне на береғ".
- 02.50 "В наше вреға".

РОССИЯ 1

- 03.45 10.50 13.50 17.05 Вести. Дежурниг часг.
- 04.00 "Уғро Росси".
- 08.00 Сериал "Раёғнеский. Землеғи небексо".
- 08.55 "О самом главном". Ток-шоу.
- 10.00 13.00 16.00 19.00 Вести.
- 10.30 13.00 16.45 18.35 Местное вреға.
- 10.30 Москва.
- 11.00 Сериал "Тайни селестин".
- 12.00 "Обсодый слуғи".
- 12.00 "Сериале эґле", Телесериал.
- 15.00 "Пока станция спиг". Телесериал.
- 17.15 "Привое эфир".
- 19.50 "Сложной ноғи, мальшиғи".
- 20.00 "Вечер с Владимиром Соловьевим".
- 21.00 Сериал "Аромат шиповника".
- 23.50 "Зағлади цивилизаций. Русская версия". Филм 1-й. Титерборес.
- Попугайный рай.
- 01.55 7/ф "Тонки по вертикали". 3-я серия.
- 02.20 "Честный детекст".
- 02.55 "Комната смеха".

НТВ

- 04.00 "НТВ утрое".
- 06.10 "До сула".
- 07.15 Сериал "Возвращение Муғтары".
- 08.00 11.00 14.00 17.00 Секондас".
- 08.20 Сериал "Возвращение Муғтары".
- 09.30 12.30 15.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
- 09.55 Суд присяжных.
- 11.20 "Суд присяжных. Окончателный вердикт".

- 12.55 "Прокурорская проверка".
- 14.30 Детекстив "Пуғше крағли".
- 16.00 "Тоғорим и покжаласм".
- 18.10 Сериал "Картон. Секонг тревий".
- 20.00 "Ангтомиа дниғи".
- 21.00 Сериал "Вултина".
- 22.55 Сериал "Проғнесма вместе".
- 00.00 Квартирный вопрос.
- 01.00 Сериал "Государственная зшитга".
- 03.00 Сериал "Суғриг".

РОССИЯ К

- 05.30 "Евронос".
- 09.00 Новости культуры.
- 09.15 "Наблюғител".
- 09.25 Телевизионный комиссара Метро". Телесериал В.Више. "Метро серисига". Часть 1-я.
- 11.00 "Презабодный Сергей Рыболовский". Д/ф.
- 11.55 "Терра-берест". Д/ф.
- 12.05 "Катастрофы прошлого. Гнев Боғий". Д/ф.
- 12.50 "Николао Паланниғи". Х/ф.
- 14.00 Новости культуры.
- 14.10 Академиа.
23:15 "Смертельные опыты". Генетика  
23:45 Хоккей. КХЛ. SKA (Санкт-Петербург) - "Тюмен" (Хельсинки)  
02:00 Смешанные единоборства. BELLATOR. Александр Сарнавский (Россия) против Джона Гандерсона (США). Прямая трансляция из США

**Шанба**

06:00 Панорама дня. LIVE  
06:50 "Диалоги о рыбалке"  
07:25 "В мире животных" с Николаем Дроздовым  
07:55 Спортивная гимнастика. Чемпионат мира. Личное первенство. Финалы в отдельных видах. Прямая трансляция из Китая  
09:25 Большой спорт.  
Формула-1 в Сочи  
09:40 Спортивная гимнастика. Чемпионат мира. Личное первенство. Финалы в отдельных видах. Прямая трансляция из Китая  
11:20 Большой спорт.  
Формула-1 в Сочи  
12:10 "24 кадра"  
12:40 "Трон"  
13:10 Большой спорт.  
Формула-1 в Сочи  
13:50 Формула-1. Гран-при России. Квалификация. Прямая трансляция из Сочи  
15:05 Большой спорт.  
Формула-1 в Сочи  
15:25 "Я - полицейский"

16:30 Олег Фомин, Марат Башаров и Евгений Стывинин в фильме "Господа офицеры: Спасти императора"  
18:30 Большой спорт.  
Формула-1 в Сочи  
18:55 Футбол. Чемпионат Европы - 2016. Отборочный турнир. Прямая трансляция  
20:55 Волейбол. Чемпионат мира. Женщины. 1/2 финала. Прямая трансляция из Италии  
22:45 Кикбоксинг. Сергей Харитонов (Россия) против Андерсона Сильвы (Бразилия)  
01:40 "За гранью". Синтетическая жизнь

**Якшанба**

06:00 Панорама дня. LIVE  
06:55 "Моя рыбалка"  
07:25 "Язь против сль"  
07:55 Спортивная гимнастика. Чемпионат мира. Личное первенство. Финалы в отдельных видах. Прямая трансляция из Китая  
09:15 Большой спорт.  
Формула-1 в Сочи  
09:30 Спортивная гимнастика. Чемпионат мира. Личное первенство. Финалы в отдельных видах. Прямая трансляция из Китая  
11:30 "Полigon". Дневники танкиста  
12:00 "Полigon". Зубр  
12:30 "Наука на колесах"  
13:00 Формула-1 в Сочи  
13:40 Формула-1. Гран-при России. Прямая трансляция из Сочи  
16:15 Большой спорт.  
Формула-1 в Сочи  
16:55 Баскетбол. Единая лига ВТБ. "Локомотив-Кубань" (Краснодар) - ЦСКА. Прямая трансляция  
18:45 Большой футбол  
18:55 Футбол. Чемпионат Европы - 2016. Отборочный турнир. Прямая трансляция  
20:55 Волейбол. Чемпионат мира. Женщины. Финал. Прямая трансляция из Италии  
22:45 Большой футбол  
23:30 Смешанные единоборства. BELLATOR. Александр Сарнавский (Россия) против Джона Гандерсона (США)  
01:20 "Как оно есть". Хлеб  
02:15 "Человек мира". Оман

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Эслатам: Давлат тадбирлари ҳамда футбол учрашувларининг вақти ўзгарса дастурда мувофиқлаштирилган ҳолда ўзгариш бўлиши мумкин.

**Азиз ватандошлар!**  
**ҚУРБОН ҲАЙИТИ**  
билан барчангизни муборакбод этамиз.

**Хонадонингиздан қут-барака,  
меҳр-оқибат аримасин!**

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ**  
**НАМАНГАН ФИЛИАЛИ**  
**ЖАМОАСИ**

## Соғлом келажак учун

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси эканлигини таъкидлашга ҳолат йўқ. Бу улғу мақсад йўлида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ана шу сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Навоний шаҳридаги “Камилла” меҳмонхонасида “Соғлом бола йили Давлат дастури” доирасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЮНИСЕФ ва Халқаро журналистларни қайта тайёрлаш марказининг “Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг онла институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суриш борасидаги салоҳиятини ошириш” лойиҳаси асосида давра суҳбати ташкил этилди.

“Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — давр талаби” мавзуга бағишланган ушбу тадбирда соғлиқни сақлаш тизими ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Дастлаб вилоятда ташкил этилган “Она ва бола” скрининг маркази директори Махфуза Ҳамроевнинг маърузаси тингланди.

Вилоят аҳоли репродуктив саломатлик маркази шифокори Дилафрўз Ҳақимовнинг “Репродуктив саломатликда соғлом турмуш тарзи” мавзусидаги кўргазмали чиқиши оммавий ахборот воситалари ходимлари учун мавзунини ёритишга қўлланма бўлди.

Тадбир якунида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган оналик ва болалик муҳофазаси ҳамда соғлом турмуш тарзига оид масалаларни, тадбирларни халқимизга оддий ва содда тилда етказишда оммавий ахборот воситаларининг муҳим роли борлиги алоҳида таъкидланди.


Давра суҳбати қизгин баҳс-мунозаралар ва савол-жавоблар асосида ўтди.

**Маруся ҲОСИЛОВА,**

“Хабар”нинг Навоний вилоятидаги мухбири

ФАРЗАНДЛАР ОТА-ОНАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИДАН  
ВА ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИДАН КАТЪИ НАЗАР, ҚОНУН  
ОЛДИДА ТЕНГДИРЛАР.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ДАВЛАТ ТОМОНИДАН  
МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XIV боб, 65-модда.

## Мулоқотда ширин сўз

“ISTEХро 2014” — аънавий миллий ахборот технологиялари кўргазмаси бу йил Хоразм вилоятида ҳам кенг миқёсда ташкил этилди. Урганч олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежида ўтказилган бу тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Абдукаримова очиб берди.

Кўргазмада 20дан ортиқ миллий ва хорижий компаниялар, бошқарма ва идоралар, банклар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда хусусий фирмалар ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Уларнинг стендлари симли ва симсиз телекоммуникация технологиялари, кўчма радиоалоқани лойиҳалаштириш, замонавий компьютер техникаси, дастурий таъминот, ахборотни ҳимоя қилиш тизимлари, йўлдош ва кабелли телевидение ҳамда бошқа ахборот технологиялари йўналишларида ташкиллаштирилди.

Кўргазма қатнашчилари орасида кўшкўпирлик Феруза Отажонова ҳам бор эди. Ф.Отажонова илгари телекоммуникация соҳасида ишлаган. 2007 йили нафақага чиқиб, ҳозирда турмуш ўртоғи Шавкат

Ражабов билан тумандаги “Феруз-Ҳамдам телеком” хусусий фирмасига бош-қош бўлишмоқда.

— Ҳеч қачон касбимдан нолиманман, — дейди табассум билан Феруза опа. — Чунки, ишимни яхши кўраман. Тўғри, баъзида телефон кўнгироқлари одамнинг меъласига тегади. Лекин сабр ила кайфиятимни кўтариб жавоб берардим. Ахир, омма билан доимий алоқада бўлгандан сўнг ўзимизни хушқайфиятда тутишимиз сув ва ҳаводек зарур. Ҳаттоки, уйимдаги кўнгироқларга ҳам “Алло, ассалому алайкум, “5-эшитади” деб юборган пайтларим жуда кўп бўлган. Ушанда оиламдагилар мазза қилиб кулишарди.

Беш фарзанднинг онаси, 10та набиранинг меҳрибон бувиси бўлган Феруза опа соҳа бўйича уста ва шогирд аънаваларини бе-



Суратда: Феруза ОТАЖОНОВА (чапда) кўргазмада иштирок этганидан хурсанд.

кам-кўст давом эттиряпти. Мақсуда Ражабова, Муҳаббат Исмоиловалар бугунги кунда устозининг йўл-йўриқлари, сабоқлари ила “Феруз-Ҳамдам телеком” хусусий фирмасида оператор бўлиб фаолият юритишмоқда.

— Устозимдан сабрли, матонатли ҳамда доимо хушмуомада бўлишни ўргандим, — дейди Мақсуда Ражабова. — Чунки, мурожаат қилаётган мижозларнинг кўнглини топа


олиш асосий ва муҳим вазифамиз ҳисобланади.

“Агар халойиқнинг севимлиси бўлмоқ тиласанг, улардин ҳеч нимани аямағил”, дейилган “Қобуснома”да. Шундай экан, биз Феруза опанинг келгусидаги ишларида омад тилаймиз. Доимо халқ билан ширин мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳурматига сазовор бўлаверинг, деб қоламиз.

**Н.ЖАБОРОВА**  
Хоразм вилояти

ОИЛА — КЎНГИЛ МАМЛАКАТИ.  
АЁЛ УНИНГ ФАРИШТАСИДИР.

**Жузеппе МАДЗИНИ**



# Маъзил сизга, азиз устоз ва мураббийлар!

Ҳар бир инсоннинг ўз касб-кори, демакки, устозлари бор. Бизга ёзиш-чизишни ўргатган, тарбия берган, ҳунаримиз сирларидан бохабар этган, касбимиз асрорларини тушунтирган ҳар бир инсон устоздир. Аслида ҳаётнинг ўзи энг катта таълим берувчи. Атрофимиздаги ҳар бир инсондан ниманидир ўрганар эканмиз, демак, уларни ҳам қадрлашга бурчлимиз. Ҳаётни севишга, унинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланишга интилоғимиз лозим. Ахир, устозларимиз бизга шунини ўргатадилар.



## Алоқачилар устозлари ҳақида

**Кобилжон МУСТАФОЕВ,**  
TATU Қарши филиалининг ўқув  
ва илмий ишлар бўйича  
директор ўринбосари:

— Бугунги кун ўқитувчиси нафақат таълим-тарбия берувчи, балки замон билан ҳамнафас яшовчи шахс. Мен 1964 йили Қарши шаҳридаги 1-мактабга борганман. Биринчи устозим Венера Сулейманова бўлган. У кишидан ёзиш ва чизишни, ўқишни ўрганганман. 1974 йили мактабни тамомладим. Валентина Дахнова, Дамир Муратов сингари фан ўқитувчиларимизнинг берган таълимидан миннатдорман. Қарши Давлат университетиде Турсун Содиқов, Саъдулла Ёқубовлардан сабоқ олдим. Одил Турғунов, Муслим Муродов, Боймат Маҳмалиев, Хуршид Бобомуродовлар билан елкама-елка ишлаганмиз. Уларнинг ҳам сафдошларига устозлик ўрни ва меҳнати бор. Алоқа соҳасининг пешқадам вакиллари — Санжар Арипов, Жуманазар Бозоров, Бахтиёр Назаров ва бошқалар билан яхши ҳамкорлигимиз бор. Улар ҳам устоз саналади. Ўзим ҳам бугун устозман. Шогирдларим камолидан миннатдорман.

**Бекзод ҚУРБОНОВ,** "ЎЗИ-Қарши" филиали  
молия ва режалаштириш бўлими менежери:

— Касби туманидаги 1-мактабнинг биринчи синфига 1990 йили борганман. Биринчи устозим Гулнора Рўзиқуллова жуда меҳрибон ва ширинсўз эди. Кейинчалик шу тумандаги лицей-интернат мактабиде ўқишни давом эттирдим. Инглиз тили фани ўқитувчиси Умар Очилов устозлик қилган. Тошкент молия институтиде таҳсил олдим. Кўплаб устозларнинг берган сабоқларидан миннатдорман. Ўқитувчилик руҳшунослик билан баробар. Яхшилаб разм солсангиз, юриш-туриши, гап-сўзларидан ҳам мақсадини билиб оласиз. Кўзлар ҳеч қачон алдамайди. Мана, бир мисол. Айрим талабалар ҳақиқатан ҳам қандайдир муаммо, сабаблар туфайли дарсга келолмайди ёки ўзлаштириши қийин кечади. Шунде устозларим фанларни ўзлаштиришда ёрдам берган, қўшимча машғулотлар олиб борган. Замон ва макон ўзгаришлари устоз-шогирдлик муносабатларига таъсир ўтказолмайди, деб ўйлайман. Чунки устоз ҳамма жойда устоз, шогирд ҳаммаша шогирд.

Менга фақат яхши устозлар учраган. Иш фаолиятим давомида Раъно Отажонова биринчи устозим бўлган. Шунингдек, Абдулла Гаипов, Холмирза Қурбонов, Татяна Маҳқамова, Санжар Жабборовлар ҳам менга устоз.

**Болжон ЮСУПОВА,** "Ўзбекистон почтаси" АЖ  
Қашқадарё филиали бош ҳисобчиси ўринбосари:

— Хива шаҳридаги 10-мактаб менинг болалигим қолиб кетган масканим ҳисобланади. Биринчи ўқитувчим Раҳима опанинг нигоҳи кечагидек ёдимда. Қўлимизга қалам тутқазиб, ҳарф танитган устозларни унутиб бўлмайди. Синф раҳбарим Султонбой Абдуллаев бўлган. Ўқувчига сабоқ бермоқлик — машаққатли меҳнат. Устозлик барча касбларда мужассам сифатларни ўзида жамлаш демак. Меҳнат фаолиятим давомида Надежда Николина, Марина Волтер, Эшпўлат Ҳайитов, Бекмурод Тўрабоевлар устозлик қилишган. Уларнинг сабоғини олганлар кам бўлишмади. Улар ўз касбининг моҳир эгалари, барча машаққатларни енгиб ўзлитгани исботлай олган моҳир мураббийлар эди.

**Дилором ЭРГАШЕВА,** "Ўзбектелеком" АЖ Қашқадарё  
филиали маркетинг ва хизматларни сотиш бўлими  
бошлиғи:

— Ғузур туманидаги 6-мактабде таҳсил олганман. Валентина Шамонова — менинг биринчи ўқитувчим. Унинг нигоҳи, сўзлари ҳамон кўз ўнгимда. Ўзбекистонде хизмат кўрсатган ўқитувчи Елена Прухницкая синф раҳбарим бўлган. Бундан фахрланаман. Мутахассис бўлиб етишишимде Зухра Маҳманованинг ҳиссаси катта. Меҳнат фаолиятим давомида Сайдулла Ҳаққулов, Шухрат Якубов, Самад Каримов, Жуманазар Бозоровларни устоз деб биламан. Тилагим, барча устозларимиз соғ-омон бўлишсин. Қадрли устоз ва мураббийлар! Қўлимиз кўксимизде, қаршингизде таъзимдамиз!

**Отабек МИРЗАЕВ,** "ЎЗИ-Қарши"  
филиали электр таъминот бўлими  
менежери:

— 1978 йили Косон туманидаги 3-мактабнинг биринчи синфига борганим кечагидек ёдимда. Боймамат Холмаҳмадов биринчи ўқитувчим эди. Мирза Толипов синф раҳбарим бўлган. Ёшлар қалбини маърифат, эзгулик ёғдуси билан мунаввар этиб, уларни катта ҳаётга йўллайдиган касб эгаларига ҳар қанча таъриф берсак оз. Шундай юксак эътирофга сазовор бўлган устозлар ҳам аслиде сизу биздек олдий инсонлар. Умрини машаққатли, аммо шарафли касбга бағишлаган соҳа вакилларининг ҳам сизу биздек ўй-фикрлари, қувончу ташвишлари бор. Кейинчалик Гувалак қишлоғиде аввалги 40-хунар-техника билим юртиде таҳсил олдим. Бу ерде Исроил Маманов устозим бўлган. Алоқа соҳасиде Розик Мўминов, Акрам Қурбонов, Холиқул Йўлдошевларни устозим деб биламан.

А.ИСМОИЛОВ ёзиб олди.

Онажоним, мана, яна бағрингиздега шошиляпман. Сизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатим рамзи қил-қизил атиргўллар армуғон.

## Устозим — онажоним!

Ҳар сония "Онажоним!" десам кўнглим осмонлар қадар юксалади — Онажоним! Тўғри бўл, пок бўл, одамларга фақат ва фақат нафинг тегсин, бахту иқболга киши меҳнат ва фақат меҳнат билан эришадиле, деа ўстирдингиз бизларни. Филиалимизде иш бошлаганимде алоқа соҳасиде етук, толмас мутахассисе бўл, деа дуолар қилиб, чарчамалингиз. Жамоаде, жамиятде ўрни топиш учун, яхши оила кекаси бўлиш учун қандай бўлиш зарур. Ҳамма-ҳаммасини Сиздан ўргандим муқаррама, муниса онажоним!

Сиз туфайли, филиалдеги муҳтарам устозларим туфайли меҳнат машаққатлари ортидан келадиган роҳатларни ҳис этиб яшаяпман, шукр. Бугун сиз фахрийлик фасли остонасидасиз. Марғилон почта алоқаси тармоғиде салкам чорак асрлик меҳнатингиз учун "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали Сиздан — Гулнора Хусайновадан миннатдор эканлигидан бошингиз осмонде. Ахир бундай бахту баракаде эришиш осон эмас. "Ҳаммаде ҳам сизларга фахрийликдек бой-бадавлатлик фасли на-сиб этсин", деа уч ўғлимнинг бошини силайсиз.

Ҳа, ҳаммаде ҳам кексалик ганжи насиб этиб, буюрсин!


**Диана СОДИҚОВА,**  
"Ўзбектелеком" АЖ  
Фарғона филиали ходими



"Алоқа" деган сўзни эшитишимиз биланоқ кўз олдимизда турфа рангдаги симлардан иборат алоқа воситалари гавдаланади. Бугунги ҳижоямиз одамларнинг оғирини энгил қилаётган алоқачиларга хизмат қилувчи Урганч шаҳридаги АТ "Алоқабанк"нинг Хоразм вилояти филиали ҳақида.

ХАР БИР ШАХС МУЛҚДОР БЎЛИШГА ҲАҚЛИ. БАНККА ҚЎЙИЛГАН ОМОНАТЛАР СИР ТУТИЛИШИ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИ ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 36-модда.



# Банк мижозлар учун

Банк 2013 йилнинг 30 декабри-гача "Ўзбекистон почтаси" АЖ вилоят филиали биносида фаолият юритган. Янги йил арафасида банк жамоаси замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида барпо этилган уч қаватли янги бинода иш бошлади.

У ердаги шарт-шароитлар, ҳар бир залда, хоналарда мижозлар учун маҳсус юмшоқ мебеллар ўрнатилган, банкка келган кишида завқ уйғотади. Ёзда салқин, кишда иссиқ, мижозларга барча имкониятлар яратиб қўйилган. Филиал раҳбари Музаффар Абдуллаев жонкуяр ходимларига меҳрибон устоз. Бу ерда 40 нафардан зиёд ўз касбининг моҳир усталари фаолият юритяпти. Улар асосан ёшлардан иборат. Жамоа ёшлари вилоят ҳамда республика миқёсидаги шахмат, шашка, футбол, мини футбол, стол тенниси мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Бу таҳсинга лойиқ.

Банкда "Осон тўлов" омонати йўлга қўйилган. Унинг афзаллиги омонатга қўйилган пулларнинг маълум фоизини пластик карточкага тушириб, электр, сув, газ, телефон ва бошқа коммунал тўловларни бемаддол амалга ошириш мумкин. Яна бир қулай томони, омонатчининг илтимосига мувофиқ, банкнинг ўзи ҳар ойда коммунал тўловларга ўз



Суратда: АТ "Алоқабанк"нинг Хоразм вилояти филиали бош ҳисобчиси Нодирбек ЖУМАНИЕЗОВ мижозга хизмат кўрсатмоқда.

вақтида пул ўтказиб бориши ҳам мумкин. Ахир, бежизга ушбу омонат номини "осон тўлов" дейишмаганда.

— "Осон тўлов" омонати фойдаланувчисиман, — дейди банкнинг доимий мижози Хушнуд Жуманиезов. — Омонат фоизини пластик карточкамга ўтказиб, тўловларимни ҳеч қандай муаммосиз амалга оширяпман.

Банкда юридик шахслар учун "Авто" ва "Истеъмол" кредитлари ҳам амалга оширилмоқда. "Истеъмол" кредити маиший техника, оргтехника, мебел, компютер техника-

си, мобил алоқа телефонларини харид қилиш, тиббий ва санатория-соғломлаштириш хизматлари тўлови, шунингдек, тўй маросимлари, саёҳат уюштириш ҳамда авиабилетлар сотиб олиш учун ҳам қулай.

— "Истеъмол" кредит турларидан бир неча марта фойдаландим, — дейди банкнинг яна бир доимий мижози Бекзод Сапаев. — Олдинлари компютер ва бошқа жиҳозларни олишда қийналардим. Ҳозир эса "Алоқабанк"да яратилаётган имкониятлар жуда қўл келяпти. Кредитни ҳужжатлаштириш ишлари ҳам қисқа муддатда амалга ошириляпти.

Банклар амалиётида замонавий технологияларнинг жорий этилиши янги алоқа воситалари, яъни интернет ва мобил телефонлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди. Шу жумладан, "Алоқабанк" тизимида ҳам электрон ахборот хизматлари мавжуд. Ундан фойдаланувчиларнинг сони эса кундан-кунга кўпаймоқда. Хусусан, "Банк-мижоз", "Интернет-Банкинг" дастури, "SMS-Банкинг" тизимлари аҳолига намунали хизмат кўрсатаётди. Бу тизимларга уланиш бепул. Бундан ташқари, банкнинг онлайн карталардан фойдаланувчи мижозлари сони ҳам ортиб борапти. Ҳозирги кунда уларнинг сони 2800 кишидан ортиб кетди. "Дуэт" картадан фойдаланувчилар сони эса беш ярим минг кишини ташкил этади.

Бу имкониятлар аҳолининг узонини яқин, оғирини энгил этишга кўмаклашмоқда. Замонавий банк хизматидан фойдаланувчилар сафининг ўсиши янги банк хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ошириб боришини тақозо этади, халқаро стандартларга мос келадиган бозор инфраструктурасини яратаяди.

Нилуфар ЖАББОРОВА,  
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

## Омад ёр бўлсин, Сунбула!

Эзгу ниятларни амалга жо қилиб, доимо юқори марралар сари интилган инсон ўз мақсадига, албатта, етади. ТАТУ 1-босқич магистранти Сунбула АХМЕДОВА қўлга киритган натижалар, эришяётган муваффақиятлар бунга ёрқин мисолдир.

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежини аъло баҳоларга битирган Сунбула жамият учун керакли инсон бўлишни, олий маълумот олиб, илм билан шугулланишни, бир эмас, бир нечта хоризг тилларини пухта ўзлаштиришни дилига туккан ҳолда, аввало, иш ўрганишга қарор қилди. Кўнгилли равишда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида, Республика Вазирилар Маҳкамасида фаолият юритди. Уша пайтда унинг учун муҳими ҳужжатлар билан ишлашда хатога йўл қўймаслик, компютер техникасининг барча имкониятларини пухта ўзлаштириш, шунингдек, муомала маданиятининг муҳим жиҳатларидан бохабар бўлиш эди.

Зукко ва ҳаракатчан қизни ТАТУ ректори котибалигига ишга таклиф қилишганида бир қувончига ўн қувонч қўшилди. Сабаби, ишлаб туриб у ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларига кириб бораётган ахборот технологияларига қизиқиб қолган эди. Ана шу қизиқиш туфайли Сунбула котибаликдан "Ахборот технологиялари" кафедрасига техник дастурчи бўлиб ишга ўтди. Ишлаш жараёнида ўқиди, изланди ва ТАТУ талабаси бўлишдек катта бахтга эга бўлди.

Талабалик йилларида Сунбуладаги интилувчанлик, билимга чанқоқлик ўз самарасини берди. У университет миқёсидаги илмий-амалий семинарлар ва маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок эта бошлади. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация



технологиялари давлат қўмитаси, Беруний номидаги Давлат стипендиялари соҳиб бўлди. Кўплаб кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритди.

Айни пайтда эса у янги дастурий воситаларни педагогик фаолиятга жорий этиш мавзусида илмий иш олиб бориш билан бирга "Радиоқурил-

малар" кафедраси ўқитувчилари томонидан нашрга тайёрланаётган "Рақамли телевидение" китобини ёзиш бўйича ишчи гуруҳининг аъзоси ҳамдир.

— Мактабнинг бошланғич синфларини инглиз тилини ўрганишга ихтисослаштирилган мактабда ўқитганим бу тилини мукаммал эгаллашим учун асос бўлиб хизмат қилди, — дейди Сунбула Аҳмедова. — Кейинчалик мустақил равишда инглиз, рус ва турк тилларини ўрганишга киришдим. Рақамли телевидение ҳақидаги адабиётлар эса кўпроқ рус ва инглиз тилларида ёзилган. Мен устозларимга рақамли телевидение ҳақидаги маълумотларни таржима қилиш орқали ёрдам беришим. Келгусида бу азиз инсонлар сафида туриб, талабаларга ахборот технологиялари сирларидан сабоқ бериш менинг энг катта орзуимдир. Бугун дунё аҳли ўзбек ёшларини кўпроқ спорт, санъат орқали танимоқда. Истагим — ёшларимиз илмий изланишлар орқали юксак натижаларга эришиб, илм-фан орқали ҳам жаҳонга танилсалар. Ёшларимиз орасида иқтидорлилари санокисиз. Уларнинг ўз устида ишлашлари учун барча имкониятлар етарли. Улардан фақат интилиш, тинимсиз ҳаракат талаб қилинади, холос. Мен келгусида ана шундай ёшлар этишиб чиқишга ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшмоқчиман. Шундагина устозларим ишончини оқлаган бўламан.

Биз кўзларида шижоат порлаб турган интилувчан қизга, Сизга ҳаммаша омад ёр бўлсин, Сунбула! деймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА

## QILMISH-QIDIRMISH

Мўмай даромад илинжида турли филмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни яширин равишда кўпайтириб пуллаётган ва божхона сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтишга уринаётган сохта тadbirkorлар муаллифларнинг ҳуқуқларини кўпол равишда бузиб, уларга жиддий зарар etkazish билан бир қаторда, хорижий ур-ўйқит, шovқин-суронли ва баъзида беҳад филмларини кенг тарқатиш орқали ёшларимиз маънавиятига жиддий хавф туғдиришади.



## "Хирмонда ҳозир"лар

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида республикада божхоначилари томонидан доимий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан "Москва-Тошкент" поезди орқали юртимизга кириб келган фуқаро Комилжон (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгаририлган) томонидан 1750 дона DVD ва CD дискларнинг яширинча олиб кирилишининг олди олинди.

Яна бир ҳолатда мазкур пост ходимлари кўшни давлат фуқароси Сеилхоннинг нафақат божхона қоидаларига, балки инсоний фазилатларга ҳам зид бўлган хатти-ҳаракатларини фош қилишди. Қарангки, ушбу шахс беҳад мазмундаги видеоларлар эзилган тўрт дона DVD диски яширинча олиб киришга уринган экан.

Шунингдек, "Бошпочта" божхона пости ходимлари самарқандлик фуқаро номига Россия Федерациясидан йўланган почта жўнатмасини амалдаги тартибларга мувофиқ божхона назоратидан ўтказишганда, божхона баённомасида кўрсатилмаган 32 дона DVD диск борлигини аниқлашди.

"Москва-Душанбе" поезди йўловчиси, кўшни давлат фуқароси Низомиддиннинг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси "Болдир" темир йўл чегара божхона пости инспекторларини алдашга уриниши наф бермади. У ўзи ўтирган ўриндик остига 54 дона контрафакт тарзда кўчирилган DVD диски яширганча олиб ўтишга уринган пайда тўхтатиб қолинди.

Мазкур поезднинг яна бир йўловчиси, душанбелик Акбарга ҳам контрафакт тарзда кўпайтирилган 41 дона DVD диск билан манзилга етиб бориш насиб қилмади.

Маълумки, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил

12 майдаги қарори билан амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланган. Мазкур рўйхатга мувофиқ, аудио-визуал асарларни, фонограммаларни ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатта бериш билан шуғулланиш учун лицензия талаб этилади.

Амалдаги тартибларга мувофиқ, аудио-визуал асарлар, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатта бериш, шунингдек, фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турлари Интеллектуал мулк агентлиги ҳузуридаги эксперт комиссиясининг лицензиялари асосида фақатгина юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Вази́рлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига мувофиқ, аудио-визуал асарлар, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурларнинг контрафакт нусхаларини сотиш савдо қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади. Мазкур тартибларга риоя қилмаётган шахсларнинг фаолиятига республикада божхоначилар томонидан чек қўйилмоқда.

Жумладан, Хоразм вилояти божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тadbир давомида янгибозорлик Назира турли кино, мусиқа ва клиплар эзилган 211 дона диск учун тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмади.

Сурхондарёлик божхоначилар эса ҳамкорликдаги тadbир давомида деновлик Нуралининг ноқонуний фаолиятига чек қўйишди. Ундан контрафакт тарзда кўпайтирилган 254 дона DVD ва CD дисклар ҳолислар иштирокида далилий ашё сифатида олинди.

Давлат божхона кўмитаси ахборот хизмати

## Янги форматга ўтилды

Beeline Unitel ва Buzton абонентлари 2014 йилнинг 1 октяб ridан шаҳарлараро ва халқаро алоқага чиқиш учун рақам теришнинг янги форматига ўтидилар.

1 октябрдан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида шаҳарлараро қўнғироклар "8" ўрнига "0", халқаро алоқалар эса аввалги "8-10" ўрнига "00" орқали амалга оширила бошлади. Шаҳарлараро ва халқаро қўнғироклар учун териладиган "+" белгиси ўзгаришсиз қолди.

## "REALTOR-CONSULTING GROUP" MCHJ

Вухоро филиали очик танлов савдоларига таклиф этади

1. Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори, Пешку тумани ҳокимининг 2014 йил 25 июндаги 746-қарори ҳамда Пешку тумани ҳокими биринчи ўринбосарининг 2014 йил 24 сентябрдаги 102-хатига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танловга қўйилмоқда:

1. Пешку тумани Янгибозор ШФЙ, Абу Али ибн Сино шоҳқўчаси ҳудудидан музқаймоқ кафеси биноси қуриш учун майdonи 300,0 кв.метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи  
**Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 189 720 сўм.**

2. Пешку тумани Янгибозор ШФЙ, Абу Али ибн Сино шоҳқўчаси ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун майdonи 100,0 кв.метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи  
**Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 63 240 сўм.**

3. Пешку тумани Зандани ҚФЙ, Шоваре қишлоғи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун майdonи 100,0 кв.метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи  
**Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 51 589 сўм.**

4. Пешку тумани Навоий МФЙ, Муроди қишлоғи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ҳар бирининг майdonи 50,0 кв.метрдан иборат 2 та ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи  
**Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 25 794 сўм.**

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00га қадар қабул қилинади. (13.00дан 14.00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 3 ноябр куни соат 18.00да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Пешку тумани ҳокимлиги биносига 2014 йил 4 ноябр куни соат 11.00дан бошлаб очилади ва талабгорларнинг таклифлари (конвертлар) очилган санадан бошлаб 10 календар кунидан ортиқ бўлмаган муддатда танлов голиби аниқланади.

2014 йил 4 ноябр кунинда танлов бўлиб ўтмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган ер участкалари бўйича 2014 йил 11, 18 ноябр кунлари соат 11.00да такрорий танлов ўтказилади. 2014 йил 11 ноябр куниндаги такрорий танловга буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 10 ноябр куни соат 18.00да, 2014 йил 18 ноябр куниндаги такрорий танловга буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 17 ноябр куни соат 18.00да тўхтатилади.

### Талабгорлар диққатига!

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари туман архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳар-созлик топширини асосида белгиланади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар закатат пули тўғрисидаги келишув имзоланганидан сўнг талабгорлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан икки нусхада тақдим этадилар. Юридик шахслар: давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставининг нусхаси; Жисмоний шахслар: паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда белгиланган тартибдаги расмийлаштирилган ишончнома; закатат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси ҳамда танлов ҳужжатлари талабгорлари мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юрдик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабгорлари мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов голиби деб топилди.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун тўловларни тузиладиган шартномага ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатат тўловини тузиладиган закатат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг ХХТУТ: 83400, СТИР: 207186573, МФО: 00115, АТБ "Қишлоқ қурилиш банки" БВМФдаги 20208000500234536002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Буюртманомаларни қабул қилиш, танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумот учун манзил ва телефон:

Танлов ташкилотчиси — "REALTOR-CONSULTING GROUP" MCHJ Вухоро филиали.

Манзил: 200100, Вухоро шаҳри, Муствақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0170.

Интернетдаги манзил: www.rcg.uz, e-mail: rc.group@inbox.ru тел: + 99865 221-59-24

Хизматлар лицензияланган



Инчеон:



# МЕДАЛЛАР ЖАМҒАРИШДА ДАВОМ ЭТЯПМИЗ

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида давом этаётган XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон делегацияси 1 октябр кунги мусобақалардан сўнг медаллар жамғариш бўйича умумжамоа ҳисобида 9-ўринга қўтарилиб олди. Терма жамоамиз ҳисобида ҳозирча 8та олтин, 11та кумуш, 14та бронза, жами 33та медал бор.

Қуйида XVII Осиё ўйинларида шу кунга қадар совринли ўринларни банд этган спортчиларимиз рўйхати берилган:

**Енгил атлетика (1 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза)**

Олтин — Екатерина Воронина  
Кумуш — Александра Котлярова  
Кумуш — Леонид Андреев  
Бронза — Юлия Тарасова

**Байдарка ва каноэда эшак эшиш (2-1-2)**

Олтин — Алексей Мочалов  
Олтин — Вадим Менков  
Кумуш — Эрнест Ирнараров  
Бронза — Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев (икки кишилик қайиқда),

Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов, Александр Тронин (тўрт кишилик қайиқда).

**Спорт гимнастикаси (0-3-0)**

Кумуш — Оксана Чусовитина  
Кумуш — Антон Фокин  
Кумуш — Абдулла Азимов

**Бадий гимнастика (1-0-0)**

Олтин — Жамила Раҳматова, Валерия Давидова, Анастасия Сердюкова, Равиля Фархутдинова (жамоавий)

**Дзюдо (0-1-4)**

Кумуш — Дилшод Чориев (-90 кг)  
Бронза — Мирзохид Фармонов (-66 кг)  
Бронза — Рамзиддин Саидов (-100 кг)  
Бронза — Абдулла Тангриев (+100 кг)  
Бронза — Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев, Наврўз Журақобиллов, Яҳё Имомов, Мирзохид Фармонов, Сойиб Курбонов, Сарвар Шомуродов (жамоавий).

**Таэквондо (1-3-0)**

Олтин — Жасур Бойқўзиев (-87 кг)  
Кумуш — Дмитрий Шокин (+87 кг)  
Кумуш — Никита Рафалович (-74 кг)  
Кумуш — Максим Рафалович (-80 кг)

**Теннис (0-0-1)**

Бронза — Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Темура Исмоилов, Санжар Файзиев (жамоавий)

**Эркин ва юнон-рум кураши (3-1-3)**

Эркин кураш (2-0-2)  
Олтин — Бекзод Абдурахмонов (-70 кг)  
Олтин — Рашид Курбонов (-74 кг)  
Бронза — Ихтиёр Наврўзов (-65 кг)  
Бронза — Умиджон Исманов (-86 кг)

**Юнон-рум кураши (1-1-1)**

Олтин — Рустам Аскалов (-85 кг)  
Кумуш — Дилшоджон Турдиев (-71 кг)  
Бронза — Бесиқи Солладзе (-80 кг)

**Оғир атлетика (0-0-3)**

Бронза — Маҳдиё Тоғаева (-48 кг)  
Бронза — Улугбек Алимов (-85 кг)  
Бронза — Сардорбек Дўстмуродов (-105 кг).

Медаллар жамғариш бўйича Хитой терма жамоаси ҳамон жуда катта фарқ билан пешқадамлик қиляпти.

	Давлат	О	К	Б	Жами
1	Хитой	131	90	74	295
2	Жанубий Корея	62	61	66	189
3	Япония	40	64	60	164
4	Қозғоғистон	20	17	29	66
5	Эрон	15	11	14	40
6	КХДР	10	10	12	32
7	Танланд	9	6	23	38
8	Қатар	9	0	4	13
9	Ўзбекистон	8	11	14	33
10	Хитой Тайпеи	8	9	14	31

## Истомин Токиода чорак финалга чикди

Япония пойтахти Токио шаҳрида теннис бўйича Rakuten Japan Open-2014 йирик турнири давом этмоқда. Мусобақада иштирок этаётган ҳамюртимиз Денис Истомин иккинчи давра учрашувини ўз фойдасига ҳал қилди.

Денис полшалик Михал Пшисенжнийни 6:4, 7:6 (7:5) ҳисобида таслим этди. Токио турнирининг мукофот жамғармаси 1 миллион 373 минг АҚШ долларини ташкил этади.

● Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар ИИББ Ички ишлар идораларида бўш бўлган офицерлик лавозимига танлов эълон қилади. Танловда олий маълумотга эга, муддатли ёки сафарбарлик қақриув резервида ҳарбий хизматни ўтаган, шунингдек, олий ўқув юргларидаги ҳарбий кафедраси курсларини тамомлаб, офицер захирасига олинган, бўйи 170 см.дан кам бўлмаган, жисмонан соғлом, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота туманларида доимий рўйхатда турувчи 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:  
239-80-90, (98) 366-96-57.

## ООО "САМИНТЕХКОМ" ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:

■ Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, CARTIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).

■ Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой карточкой. Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г.Самарканд.

Тел: +99893 333-04-26; +99893 333-04-35.

Свидетельство №04558

## Табриклай.уз!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси Тошлоқ ва Ровон ПАТ ходимлари Тўйчи СОИБНАЗАРОВ ҳамда Бўрибой ЭРКАБОВларни муборак 60 ёши, Данғара ПАТ ходими Жуманбой РАСУЛОВни 55 ёши билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини қўришни тилайди.

\*\*\*

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Фарғона ШТБ ходими Мавлудахон ЖУМАБОВЕВани 55 ёши билан қутлайди. Унга энг эзгу тилақларини йўлайди.



UZTELECOM

# “Ўзбектелеком” АК

Ўзбекистон халқини, жумладан,

алоқа соҳаси ходимларини

ҚУРБОН ХАЙИТИИ  
билан қўплайди.



## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ

Бош муҳаррир  
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:  
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,  
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,  
Сувор НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.  
Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz  
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

Газета  
ҳафтанинг  
жума куни  
чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Г-1065 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 10026 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-95-64 Навойда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99